

**“JUMA ELEVATORI” АЖ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ 2021 ЙИЛ 30 МАРТДА ЎТКАЗИЛГАН ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИДА  
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРИ**

Т/р	Кун тартибининг масалалари	Овоз бериш яқунлари	Қарорларнинг таърифи
1	Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президумини сайлаш	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президуми қўйидаги таркибда А.Салихов –«Ўздонмахсулот» АК вакили, Ш.Пулатов – «Жума элеватори» АЖ бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи, Ш.Акбаралиев –«Файкон» АЖ вакили ва йиғилиш котиблигига И.Аллаяровлар сайланганлиги <b>тасдиқлансин</b> .
2	Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш ва санок комиссияси аъзоларини сайлаш.	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин ва санок комиссияси аъзолари таркибига Т.Халилов, Ж.Химматов ва З.Ахмедовлар сайланганлиги <b>тасдиқлансин</b> .
3	Жамият кузатув кенгашининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	“Жума элеватори” акциядорлик жамиятининг 2020 йил фаолияти яқунлари бўйича кузатув кенгаши ҳисоботи <b>тасдиқлансин</b>
4	Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари ва Бизнес режасининг бажарилиши тўғрисида жамият ижро органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	Ташки аудитор хулосасига кўра ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи СЙК 101,3% (юқори даражада) ва мустақил баҳоловчи ташкилотнинг хулосасига кўра корпоратив бошқарув фаолияти 657 балл (юқори даражада) баҳоланганини эътиборга олган ҳолда “Жума элеватори” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг 2020 йилда олиб борилган ишлари қониқарли деб топилсин ва фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи <b>тасдиқлансин</b>
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2020-йил якуни бўйича бошқарув раисининг Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 вгустдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2020 йил якуни бўйича “Жума элеватори” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг эшитилган ҳисоботи <b>маъқуллансин</b>
6	Жамиятнинг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва зарарларини тасдиқлаш.	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	“Жума элеватори” акциядорлик жамияти фаолиятининг 2020 йилдаги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи <b>тасдиқлансин</b>

7	Жамият Тафтиш комиссиясининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш .	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	“Жума элеватори” акциядорлик жамияти тафтиш комиссиясининг 2020 йил яқунлари фаолияти бўйича ҳисоботи <b>тасдиқлансин</b>
8	Жамиятнинг 2020 йил молиявий йил яқунлари бўйича Ташки аудиторлик ташкилоти <b>MCHJ«NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT»</b> нинг хулосаси (МХХС, МХМС) ҳамда 2020 йил учун СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзасидан жамият ташки аудиторининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	"Жума элеватори" акциядорлик жамиятининг 2020 молиявий йил яқунлари бўйича ташки аудиторнинг ижобий хулосаси ва ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги йиғинди кўрсаткичи бўйича хулосаси (СЙК 101,3% юқори даражада) <b>тасдиқлансин</b>
9	2020 йил якуни бўйича жамият фойдасини тақсимланиши, устав фондидаги акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорини белгиланиши ва дивидент тўлаш муддатини тасдиқлаш	Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз	<p>Жамиятнинг 2020 йил молия хужалик фаолияти яқунлари бўйича олинган 7 млрд. 066 млн. 055 минг. 473 сум соф фойдаси қўйидагича <b>тақсимлансин.</b></p> <p>73,18 фоизи (5 млрд. 170 млн. 916 минг 723 сўми)ни ишлаб чиқаришини ривожлантиришига;</p> <p>5,0 фоизи (353 млн. 302 минг 750 сўми)ни «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги “Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 245 сонли қарорига асосан жамиятнинг меҳнатни муҳофаза қилиш фондига;</p> <p>5,0 фоизини, (353 млн. 302 минг 750 сўм) жамиятнинг захира фондига;</p> <p>1,82 фойизини (128 625) минг сўм жамият кузутув кенгаши, бошқаруви, тафтиш комиссияси аъзолари ва йиғилиш котибини йил якуни бўйича рағбатлантиришга;</p> <p>15,0 фоизи (1 млрд. 059 млн. 908 минг 250 сўм)ни эса «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига асосан акциядорларга дивиденд тўлашга <b>йўналтирилсин.</b></p> <p>Ҳар бир оддий акциялар учун 2531,78 сўмдан жами 1 млрд. 059 млн. 908 минг 250 сўм дивиденд тўловлари қонунда белгиланган муддатларда (2021 йил 30 мартдан 2021 йил 30 майгача) амалга <b>оширилсин.</b></p> <p>Йил якуни бўйича фойданинг тақсимоти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси Р.Олмасовга <b>юклатилсин.</b></p>

10	Жамият 2021 йил фаолияти учун Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш ва уларни моддий рағбатлантириш.	<p>Салихов Ахмад Сабитович Ёқлаб – 45117.5 овозлар</p> <p>Юсупов Руслан Бахтиярович Ёқлаб – 45117.3 овозлар</p> <p>Исламов Шухрат Кадирович Ёқлаб – 45117.3 овозлар</p> <p>Хасанов Баходир Рамзиддинович Ёқлаб – 45117.3 овозлар</p> <p>Игамқулов Азиз Абдурасулович Ёқлаб – 45117.3 овозлар</p> <p>Мухаммадиев Чингиз Алимжонович Ёқлаб – 45117.3 овозлар</p> <p>Бародинец Ирина Леонидовна Ёқлаб – 31164 овозлар</p>	<p>Жамият 2021 йил фаолияти учун Кузатув кенгаши сони 7 кишидан иборат деб белгилансин ва жамият Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайланганлиги <b>тасдиқлансин.</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Салихов Ахмед Сабитович - "Ўздонмахсулот" АК вакили</li> <li>2. Юсупов Руслан Бахтиярович - "Ўздонмахсулот" АК вакили</li> <li>3. Исламов Шухрат Кадирович - "Ўздонмахсулот" АК вакили</li> <li>4. Хасанов Баходир Рамзиддинович - "Ўздонмахсулот" АК вакили</li> <li>5. Игамқулов Азиз Абдурасулович - "Ўздонмахсулот" АК вакили</li> <li>6. Мухаммадиев Чингиз Алимжонович - "Ўздонмахсулот" АК вакили</li> <li>7. Бародинец Ирина Леонидовна - "Файкон" АЖ вакили</li> </ol> <p>Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантирилсин.</p>
11	Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш ва уларни моддий рағбатлантириш.	<p>Ёқлаб – 305 636 овозлар, 96,46 фоиз</p> <p>Қарши – 11 208 овозлар, 3,54 фоиз</p> <p>Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз</p>	<p>Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун Тафтиш комиссияси таркибига қуйидагилар сайланганлиги <b>тасдиқлансин.</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Алланазаров Уктам -Нафақада,</li> <li>2. Қиличев Туроншоҳ Дилшод ўғли -"Ўздонмахсулот" АК вакили,</li> <li>3. Акбаралиев Шавкат Турсуналиевич -"Файкон" АЖ вакили</li> </ol> <p>Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий <b>рағбатлантирилсин.</b></p>
12	Жамиятнинг 2021 йил учун ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини муддатини узайтириш ва уларни моддий рағбатлантириш.	<p>Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз</p> <p>Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз</p> <p>Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз</p>	<p>Жамиятнинг 2021 йил учун ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муддати 1 йилга <b>узайтирилсин.</b> Жамият ижроия органи аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида моддий рағбатлантирилсин ва қуйидагилар ижроия органи аъзолари этиб сайланганлиги <b>тасдиқлансин.</b></p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Пулатов Шокир Давирович - Жамият бошқарув раиси,</li> <li>2. Ачилов Музаффар Камолович - Ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноат кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича директор.</li> </ol>

			<p>3.Сиддиқов Қодиржон Абдуҳақимович - Молия ва савдо бўйича директор.</p> <p>4.Олмасов Руслан Шухратович - Бош ҳисобчи.</p> <p>5.Бурунов Бахтиёр Махмадиярович - Бош иқтисодчи.</p>
13	<p>Жамиятда 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлар таклифини кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш</p>	<p>Ёқлаб – 305 636 овозлар, 96,4 фоиз</p> <p>Қарши – 11 208 овозлар, 3,6 фоиз</p> <p>Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз</p>	<p>Жамиятда 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилот <b>"AFROSIYOB AUDIT STANDART" MCHJ</b> деб топилсин ва унга тўланадиган хизмат ҳаққи <b>26 000 000 (йигирма олти миллион сўм)</b> миқдорда <b>белгилансин</b></p>
14	<p>Депозитарий “Samarqand vaqt” МЧЖ томонидан 2020 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз</p> <p>Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз</p> <p>Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз</p>	<p>Депозитарий “Samarqand vaqt” МЧЖ томонидан 2020 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосаси <b>тасдиқлансин.</b> Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш мустақил ташкилот томонидан “юқори” деб эътироф этилгани маълумот учун қабул қилинсин.</p>
15	<p>Корхонада харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш</p>	<p>Ёқлаб – 316 844 овозлар, 100 фоиз</p> <p>Қарши – 0 овозлар, 0 фоиз</p> <p>Бетараф – 0 овозлар, 0 фоиз</p>	<p>“Жума элеватори” акциядорлик жамиятининг харидлар жараёнидаги шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлиги бўйича ташқи аудит яъни <b>MCHJ«NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT»</b> нинг хулосаси маълумот учун қабул <b>қилинсин.</b></p>
16	<p>Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан бўён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларни юридик шахс тугатилганлиги ҳақида тегишли ҳужжатларга асосан жамият балансидан чиқариш.</p>	<p>Ёқлаб – 11 704 овозлар, 3,69 фоиз</p> <p>Қарши – 273 976 овозлар, 86,47 фоиз</p> <p>Бетараф – 31 164 овозлар, 9,84 фоиз</p>	<p>Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан бўён ундирилмасдан келинаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларни, юридик шахс тугатилганлиги ҳақида тегишли ҳужжатларга асосан жамият балансидан чиқаришга ҳуқуқий асосларни тайёрлаб, тўлиқ жамлаш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш ишлари бир ой муддатда амалга <b>оширилсин.</b></p> <p>Кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш учун ижро органи томонидан умид қилиб бўлмайдиган қарздорлик тўғрисида йиғма маълумот тақдим этилсин (<i>умид қилиб бўлмайдиган қарз деб эътироф этиши учун асос мавжудлиги, умид қилиб бўлмайдиган қарз деб эътироф этиши тўғрисида ҳуқуқшунослик бўлими хулосаси олиниб, илова қилинаётгани, жамланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда бухгалтерия ҳисоботларига мослиги текширилганлиги тўғрисида ички аудит хизмати хулосаси олиниб, илова қилинаётгани, қарзни ундириш бўйича даъво муддати оралигида қўрилган чоралар, даъво муддати тугагунга қадар қарздорликни ундириш бўйича чора қўрилмаган тақдирда, айбдор ходимларга</i></p>

			<i>нисбатан меҳнат кодекси доирасида қўрилган/қўрилаётган чоралар ва бошқа тегишли маълумотлар кўрсатилган ҳолда).</i>
--	--	--	--